

# Улуҳият тавҳидидаги ширк

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



**Шайх Саидахмад Самарқандий**



**Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

# الشرك في توحيد الألوهية

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



الشيخ سعيد أحمد السمرقندي



مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Мусулмон киши ҳақни билгач, сақланиш мақсадида унга зид бўлган ботилни ҳам ўрганиши лозим. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анху шундай дер эди: “Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшиликлар ҳақида сўрар эдилар. Мен бўлсам қўл уриб қўйишдан қўрққаним учун у зотдан ёмонликлар тўғрисида сўрар эдим”.

Мўминларнинг амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху шундай дейди: “Агар жоҳилиятни билмаган одам исломда ўсиб-улғайса, ислом халқалари биринкетин узилиб кетишига яқин қолади”.

Улардан олдин Иброҳим Халил алайҳиссалом шундай деган эди: **“Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга ибодат қилишдан йироқ қилгин. Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар”** [Иброҳим:35]. Бу мусулмон киши ширкдан сақланиши учун ундан қаттиқ эҳтиёт бўлиши ва уни яхши ўрганишини тақозо қилади.

Ширк дегани ибодатдан бирон турини Аллоҳдан ўзгага қаратиш демақдир. Дуо қилиш, жонлиқ сўйиш, назр ва Аллоҳдан бошқаси қодир бўлмайдиган ишларда Унинг ўзидан ёрдам сўраш каби амаллар ибодатнинг турлари бўлиб, улардан бирини Аллоҳдан ўзга бирон мавжудотга қаратиш ширқдир.

Тавҳид ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишдир. У инсон боласидаги асл ҳолат бўлиб, унинг ўрнини ширк эгаллаши одатдан ташқари иллатдир. Аллоҳ

таоло шундай дейди: “Одамлар бир уммат (мусулмон уммат) эдилар. Сўнг (ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач), Аллоҳ (мўминларга) хушхабар элтгувчи ва (кофирларни жаҳаннам азобидан) кўрқитувчи пайғамбарларини юборди ва уларга кўшиб одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб Ҳақ китобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди” [Бақара: 213].

Ибн Аббос розияллоху анхумо шундай дейди: “Одам ва Нуҳ алайҳимассалом ўртасида ўн аср муддат бўлиб, бу даврда яшаб ўтганларнинг барчаси ислом динида эдилар”. Ибн Қаййим роҳимахуллоҳ айтади: “Оят тафсиридаги тўғри гап шудир”. Шунингдек, бу гапни Ибн Касир роҳимахуллоҳ ҳам тўғри деган. Ер юзида дастлаб ширк пайдо бўлиши Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмида, улар солиҳ кишилар хусусида чуқур кетган пайтларида пайдо бўлди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Ва (ўзларига эргашган тубанпасткаш кимсаларга): “Сизлар ҳаргиз ўз худоларингизни тарк қилманглар! Вадни ҳам, Сувоъни ҳам, Яғусни ҳам, Яукни ва Насрни ҳам ҳаргиз тарк қилманглар!”**, дедилар”.

Бухорий “Саҳиҳи”да Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилади: “Бу исмлар Нуҳ алайҳиссалом қавмидан бўлган солиҳ кишиларнинг исмларидир. Улар дунёдан ўтиб кетгач, шайтон уларнинг қавмига васваса қилиб: “Ўзларингиз йиғилиб ўтирадиган йиғингоҳларингизга уларнинг ҳайкалларини ўрнатиб кўйингиз ва бу ҳайкалларни ўша солиҳ кишиларнинг исмлари билан номлангиз” – деди. Улар шундай қилдилар, бироқ уларга ибодат қилинмади.

Бирок бу қавм дунёдан ўтиб, илм унутилиб юборилгач, одамлар ўша ҳайкалларга ибодат қила бошладилар”.

Ибн Қаййим роҳимахуллоҳ айтади: “Бир қанча салафи солихлар айтадилар: “(Оятда исмлари зикр қилинган) бу солих кишилар вафот этишгач, одамлар уларнинг қабрлари атрофида ўтирдилар. Кейинчалик уларга атаб ҳайкаллар ясадилар. Орадан бир қанча вақтлар ўтгач, бу ҳайкалларга ибодат қила бошладилар”.

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган сўздан маълум бўладики, сурат чизиш, деворларга суратлар осииш, кўча ва майдонларга ҳайкаллар ўрнатиш ўта хатарли иш экан. Негаки, бу ишлар бора-бора одамларни ширкка етаклаши, бу суратлар ва ҳайкалларни эъзозлаш аста-секин ривожланиб бориб, Нуҳ алайҳиссалом қавмида юз бергани сингари одамлар уларга сиғиниш даражасига етиши мумкин.

Шу боис, исломда сурат ҳаром қилинди, сураткашлар лаънатланди ва уларга каттиқ азоб-уқубатлар белгиланиб, улар қиёматда энг оғир азоб чекадиган одамлар экани айтилди. Мақсад, ширкка элтувчи сабаб ва воситалар йўлини тўсиш, Аллоҳнинг яратиш сифатига ўхшатишдан йироқ туриш.

Бу қиссадан лаънати шайтоннинг қанчалар одам болаларини йўлдан оздиришга ва уларга макр-ҳийла қилишга қизиқишини англаб етамиз. У гоҳида инсонларнинг ҳис-туйғуларини суистеъмол қилиш ва уларни яхшиликка чорлаш даъвоси билан уларни

йўлдан оздиради. Шайтон Нух алайҳиссалом қавмининг солиҳ кишиларга бўлган иштиёқи ва муҳаббатини кўргач, уларни бу ишда чуқур кетишга, уларни хотирасига атаб ҳайкаллар ўрнатишга чақирди. Бу иш ортидан шайтон кўзлаган мақсад, уларни ҳақдан ботилга чиқариш борасида поғонама-поғона иш юритиш эди. У бундан узоқни кўзлаган, уларнинг келажак авлодларини ҳам назардан четда қолдирмаган эди. Ораларида илм-маърифат озайган, жаҳолат кенг урчиган келажак авлодларга бу суратларни зийнатлаб кўрсатди ва уларни катта ширкка тушириб қўйди. Ҳатто улар пайғамбарларига қайсарлик қилиб, “Сизлар ҳаргиз ўз худоларингизни тарк қилманглар!”, дейдиган даражага бориб етдилар.

Имом Ибн Қаййим роҳимахуллоҳ айтади: “Шайтон бутларга ибодат қилдиришда мушрикларга турлича ўйин кўрсатди. Ҳар бир қавмга уларнинг ақл даражасига кўра ҳийла-найранг ишлатди. Айрим тоифаларни Нух алайҳиссалом қавмидаги каби ҳайкал шаклида тасвирланган ўликларни улуғлаш жиҳатидан бутларга сиғинишга чақирди. Бу авом мушрикларда кўпроқ учрайдиган сабабдир. Зиёли тоифалар эса ўзларича бутларни оламга ўз таъсирини ўтказувчи сайёралар шаклида ясаб олдилар. Уларга атаб ибодатхоналар, хизматкорлар, руҳонийлар ва қурбонликлар ташкил қилдилар. Бу ишлар дунёда ўтмишда ҳам бўлган ва ҳозирги кунимизда бўлиб келмоқда. Бу мазҳабнинг асосчилари юлдузларга сиғинувчи собиалар тоифаси – Иброҳим алайҳиссаломнинг қавмидир. Иброҳим алайҳиссалом улар билан ширкнинг ботиллиги хусусида мунозара қилган, билими ила уларнинг ҳужжатини синдирган бўлса,

кўллари билан олиҳаларини синдирган эди. Оқибатда улар Иброҳим алайҳиссаломни ўтда куйдиришни талаб қилган эдилар. Бир тоифа ойга атаб ўзларига бут қилиб олдилар. Ўзларича, ой сиғинишга лойиқ, негаки, у куйи олам ишини бошқаради, деб ўйладилар. Яна бир тоифа – мажусийлар ўтга сиғиндилар. Кимлардир сувга, кимлардир ҳайвонларга: отга, сигирга сиғиндилар. Бошқа бир тоифа ўликми, тирикми одамзотга сиғинди. Кимлардир жинларга ибодат қилсалар, бошқа бирлар фаришталарга ва яна кимлардир дарахтларга сиғинадилар”. (Иқтибос тугади).

Ҳа, ширк одамларни не куйга солмайди дейсиз. Воқеликда одамлар ҳолатини мушоҳада қилар экансиз, Аллоҳ таолонинг куйидаги оятларда ширк ва мушрикларнинг ҳолатини нақадар аниқ ва ҳаққоний тасвирлаганига яна бир бор амин бўласиз: **“Ким Аллоҳга ширк келтирса, худди у осмондан қулагану, уни (бирон йиртқич) қуш (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учириб кетган кабидир”** [Ҳаж: 31].

**“Тарқоқ турли-туман “худолар” яхшироқми ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми? Сизлар эса, У зотни кўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм – ҳокимлик фақат Аллоҳга хос. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар”** [Юсуф: 39-40].

**“Аллоҳ (шундай) бир мисол келтирди: бир қул борки, унинг устида талашгувчи шериклар (яъни хожалар) бор. Яна бир қул борки, у ёлғиз бир хожаникидир. Иккисининг мисоли баробар бўлурми?! (Йўқ, баробар бўлмас. Худди шунингдек, бир неча “худо”ларга сиғинадиган мушрик билан ёлғиз Аллоҳагина бандалик қиладиган мўмин ҳам баробар бўлмас) [Зумар: 29]. Мушриклар ёлғиз ва шериги бўлмаган Аллоҳга ибодат қилишмагач, шайтонларга сиғинишга мубтало бўлдилар. Ҳавойинафс ва шахватлар уларни ҳар томонга бошлаб кетди.**

Демак, тавҳидсиз қалблар ҳам роҳат топмайди, олам ҳам ўнганмайди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Ёки улар (яъни мушриклар) ернинг ўзидан (яъни тош, ёғочлардан), (ўликларни) тирилтира оладиган “худолар”ни топиб олдиларми?! Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди, Бас, арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир”** [Анбиё: 21]. Шу боис, ер юзи тавҳиддан холи бўлган кун қиёмат қойим бўлади. “Ер юзида токи “Аллоҳ, Аллоҳ” дейилмайдиган бўлмагунича қиёмат қойим бўлмайди” (Муслим ривояти). Олдинги мушрикларнинг ибодатлари ва худолари турлича бўлганидек, бугунги кунда қабрпарастлар ҳам қабрларга сиғинишда ўшандай тарқокдирлар. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мақбараси бўлиб, турли-туман расм-русумлар билан уларга ибодат қиладилар. Шунингдек, ҳар бир суфий тариқатнинг ўзига хос пири мавжуд бўлиб, муридлари Аллоҳни қўйиб уни ўзларига Раб қилиб олганлар. У ўз муридларига Аллоҳ рухсат



бермаган турли “вазифа”ларни шариат сифатида тақдим қилади.

Дарҳақиқат, шайтон ушбу тариқа одам боласини йўлдан оздиради. Тавҳидсиз, Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатини маҳкам тутмасдан шайтоннинг ёмонлиги ва макр-ҳийласидан қутулишнинг имкони йўқдир. Аллоҳ таолодан бизларга ҳақни ҳақ қилиб кўрсатиши ва унга эргашиш ҳамда ботилни ботил қилиб кўрсатиши ва ундан четланишни насиб қилишини сўраб қоламиз.

**Манба: Ихлос оғр веб саҳифаси**

